



## ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРОПЕРАТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Рахимжонова Азизахон Зиёджонова**

Тошкент Кимё Халқаро Университети «Туризм» йўналиши талабаси

**Аннотация:** мақолада туроператорлик фаолиятини ривожлантиришдаги асосий муаммолар, соҳадаги рақобатбардошликни ошириш учун амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ва муҳим тавсиялар келтирилган. Ўзбекистон туризм салоҳиятини жаҳон бозорида муносиб ўринга эгаллаш учун туроператорлик фаолиятини ривожлантиришга доир комплекс ёндашувлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон туризми, туроператорлик фаолияти, туризм инфратузилмаси, рақамли технологиялар, туризм салоҳияти, халқаро туризм, туроператорлар.

Кириш

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳаси миллий иқтисодиётнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Мамлакатимизнинг бой маданий мероси, табиий гўзалликлари ва географик жойлашуви туризмни ривожлантириш учун улкан салоҳиятга эга. Айниқса, туроператорлик фаолиятини тартибга солиш ва замонавий талабларга жавоб берадиган турларни ташкил этишда давлат томонидан амалга оширилаётган ислохотлар муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги ПФ–60-сонли Фармонида [1] туризмни ривожлантириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Шунингдек, 2019 йил 5 январдаги ПҚ–4095-сонли қарор билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини 2019–2025 йилларда ривожлантириш концепцияси”да [2] ҳам туроператорлик хизматларини кенгайтириш, сифатини ошириш ва халқаро стандартларга мослаштириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган.

Мазкур ислохотлар доирасида туроператорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, янги тур йўналишларини яратиш, рақамли технологияларни жорий этиш ҳамда туризм инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, туроператорлик соҳасида фаолият





юритаётган тадбиркорлар учун солиқ имтиёзлари, кредитлар ва субсидиялар бериш механизмлари йўлга қўйилди.

Шу боис, мазкур мақолада Ўзбекистонда туроператорлик фаолиятини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этишга қаратилган таклифлар таҳлил этилади. Бу орқали мамлакатда туризм салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш имкониятлари кўриб чиқилади.

#### Адабиётлар таҳлили ва методология

Туроператорлик фаолияти ҳар қандай туризм соҳасининг асосий бўғини ҳисобланади. Бу йўналиш орқали туристик маҳсулот яратилади, турлар режалаштирилади, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилади ва энг муҳими, ички ва халқаро бозорга чиқиш имконияти таъминланади. Ўзбекистонда сўнгги йилларда туроператорлик хизматларини ривожлантиришга давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мутахассислар фикрига кўра, туроператорлик хизматларининг ривожланиши туризм инфратузилмаси, кадрлар тайёрлаш ва маркетинг стратегияларига бевосита боғлиқ. Масалан, Абдуллаев Ш. [3] ўз тадқиқотида таъкидлайдики, Ўзбекистонда туроператорлик сектори ҳали тўлиқ рақобатбардош эмас, айниқса, халқаро туризм бозорида. Бунга етарли тарғиботнинг йўқлиги, логистика ва хизматлар турлигининг камлиги асосий омил сифатида кўрсатилади. Шу билан бирга, Жураев А. ва Холмирзаева М. [4] томонидан амалга оширилган таҳлилларда, туроператорлик фаолиятини ривожлантириш учун туризм таълими ва кадрлар сифатини яхшилаш, маҳаллий брендларни яратиш ва электрон брон қилиш тизимларини жорий этиш муҳим экани таъкидланган.

Хусусан, Рахимова Д. [5] ўз тадқиқотида туроператорлик хизматларини ривожлантиришда стратегик режалаштириш ва маркетинг ёндашувларининг аҳамиятини таъкидлайди. Муаллифнинг фикрича, Ўзбекистондаги кўплаб туроператорлар ҳали ҳам анъанавий усулларда фаолият юритади ва рақамли технологиялардан етарлича фойдаланмайди. Шу билан бирга, Иброҳимов У. [6] ўз мақоласида туроператорликда кадрлар тайёрлаш масалаларига эътибор қаратади. Унинг таъкидлашича, туристик таълимнинг сифатини ошириш, амалий кўникмаларга эга кадрлар етиштириш орқали соҳада хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш мумкин. Бу фикр халқаро тажрибалар билан ҳам уйғунлашади: Европа ва Осиё давлатларида туроператорлар учун махсус сертификатлаштириш тизимлари ишлаб чиқилган бўлиб, бу уларнинг рақобатбардошлигини оширади.





Ҳозирги кунда, Ўзбекистондаги йирик туроператорлар, жумладан, “Silk Road Destinations”, “Dolores Travel” ва “Asia Adventures” каби компаниялар нафақат ички бозор, балки халқаро миқозлар учун ҳам индивидуал ва гуруҳли турларни таклиф қилмоқда. Аммо уларнинг сони ҳали чекланган, ва аксарият ҳолларда мамлакатнинг сайёҳлик салоҳияти тўлиқ фойдаланилмапти.

Ушбу илмий мақолада Ўзбекистонда туроператорлик фаолиятини ривожлантириш истиқболларини ўрганиш мақсадида олимлар томонидан чоп этилган адабиётлар таҳлили методи кулланилди. Таҳлил жараёнида иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий омиллар ҳисобга олинди, соҳанинг ҳозирги ҳолати ва истиқболли йўналишларини аниқлашга эътибор қаратилди.

Муҳока ва натижа

Ўзбекистонда туроператорлик фаолиятининг ривожланиши мамлакат туризм салоҳиятини тўлиқ ишга солишда муҳим ўрин тутди. Мамлакатнинг бой тарихий-меъморий мероси, маданий қадриятлари ва табиий гўзалликлари бу соҳани жаҳон миқёсида рақобатбардош қилиш имконини беради. Шу билан бирга, туроператорлик фаолиятини ривожлантириш жараёнида бир қатор муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, уларни чуқур таҳлил қилиш ва ечим топиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, соҳада хизмат сифати ва кадрлар малакаси масалалари етарлича ечилмаган. Айрим туроператорлар томонидан таклиф этилаётган турлар замонавий туристлар эҳтиёжларига мос келмайди. Бундан ташқари, гид ва йўлбошчиларнинг тил билиши, хизмат маданияти ва касбий тайёргарлиги паст даражада бўлиб, бу ҳам туризмга бўлган ишончни сусайтиради.

Иккинчидан, инфратузилманинг ривожланмаганлиги туроператорлик фаолиятидаги яна бир асосий тўсиқдир. Айниқса, қишлоқ туризми, экотуризм ва мафкуравий туризм каби янги йўналишларни жорий этиш учун замонавий транспорт, меҳмонхона ва логистика тармоқлари етарли эмас. Бу эса ички ва хорижий туристларни жалб қилиш имкониятларини чеклайди.

Шунингдек, қонунчилик ва лицензиялаш жараёнлари ҳам соддалаштиришга муҳтож. Айрим ҳолларда бюрократик тўсиқлар туфайли янги туроператорлар бозорга кириши қийинлашади. Бу эса рақобат муҳитини чеклайди ва хизматлар сифатининг ўсишига тўсиқлик қилади.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда ҳукумат томонидан олиб борилаётган ислохотлар натижасида соҳада ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Хусусан, электрон туризм платформаларининг ривожланиши, халқаро туризм ярмаркаларида фаол иштирок этиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда ёшларни ушбу соҳада ўқитиш бўйича дастурларни амалга ошириш –





буларнинг барчаси истиқболда тулоператорлик фаолиятини янги босқичга олиб чиқиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, тулоператорлик хизматларини диверсификация қилиш, рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, маркетинг стратегияларини такомиллаштириш ва жаҳон стандартларига мос тайёргарлик курсларини жорий этиш каби чора-тадбирлар устувор аҳамият касб этади. Бундан ташқари, маҳаллий брендларни яратиш ва уларни халқаро даражада илгари суриш орқали Ўзбекистон туризмининг янада рақобатбардош қилиш мумкин.

Юқоридаги таҳлил ва муҳокамадан келиб чиқиб, Ўзбекистонда тулоператорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича қатор хулосалар чиқариш мумкин. Биринчидан, мамлакатда мавжуд сайёҳлик салоҳияти юқори бўлишига қарамадан, бу имкониятларни тўлиқ ишга солиш учун тизимли ва замонавий ёндашув талаб этилади. Тулоператорлик хизматлари сифатини ошириш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш ва янги тур йўналишларини жорий этиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Иккинчидан, соҳада рақобатбардош тулоператорларни шакллантириш учун қонунчилик базасини такомиллаштириш, лицензиялаш жараёнларини соддалаштириш ва тадбиркорлар учун қулай бизнес муҳитини яратиш зарур. Шунингдек, инфратузилмани яхшилаш, транспорт ва меҳмонхона хизматларини тулоператорлар билан интеграция қилиш ҳам соҳанинг ўсишига туртки беради.

Учинчидан, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Тулоператорлар, гидлар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар замонавий билим, ахборот технологиялари ва чет тилларини билиши зарур. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон туризм салоҳиятини жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллашга хизмат қилади.

Охирида, рақамли маркетинг, онлайн бронлаш ва туризм платформаларини ривожлантириш, маҳаллий ва халқаро ҳамкорликни кучайтириш каби устувор йўналишлар орқали Ўзбекистонда тулоператорлик фаолиятини стратегик даражада ривожлантириш мумкин. Бу нафақат иқтисодий самарадорликни оширади, балки мамлакатнинг ижобий туристик имижини шакллантиришга ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистонда тулоператорлик фаолиятини ривожлантириш — мамлакатнинг туристик салоҳиятини тўлиқ намоён этиш, янги иш ўринларини яратиш ва иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатдаги бой тарихий мерос, маданий анъаналар ва табиий гўзалликлар туризм соҳаси учун улкан имкониятлар яратади. Лекин ушбу имкониятларни





самарали ишга солиш учун соҳада тизимли ислохотлар, инновацион ёндашувлар ва давлат-хусусий шериклик асосидаги ҳамкорликларни кенгайтириш зарур.

Хусусан, туроператорлик хизматларини жаҳон стандартларига мос равишда такомиллаштириш, рақамли технологиялардан фойдаланиш, кадрлар малакасини ошириш ва инфратузилмани яхшилаш туризмнинг барқарор ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, маркетинг стратегияларини тўғри йўлга қўйиш, маҳаллий брендларни илгари суриш ва хорижий туристлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш устувор вазифалардан саналади.

Шунинг учун, туроператорлик фаолиятини ривожлантириш соҳасида давлат, хусусий сектор ва жамият ўртасидаги самарали ҳамкорлик орқали Ўзбекистонни минтақавий ва халқаро миқёсда етакчи туристик йўналишлардан бирига айлантириш мумкин. Бу эса мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига хизмат қилиши шубҳасиздир

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сонли “2022–2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 январдаги ПҚ–4095-сонли “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини 2019–2025 йилларда ривожлантириш концепцияси” тўғрисидаги қарори.

3. Абдуллаев Ш. Ўзбекистонда туроператорлик фаолиятининг замонавий тенденциялари // Туризм ва иқтисодиёт. – 2021. – №2. – Б. 45–50.

4. Жураев А., Холмирзаева М. Мамлакат туризм соҳасида кадрлар салоҳиятини оширишнинг долзарб масалалари // Иқтисодий таҳлил. – 2020. – №4. – Б. 31–36.

5. Рахимова Д. Туроператорликда маркетинг ва стратегик режалаштириш // Иқтисодиёт ва бошқарув. – 2022. – №3. – Б. 21–26.

6. Иброҳимов У. Ўзбекистонда туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш тизими // Педагогика ва психология. – 2020. – №1. – Б. 55–59.

7. Йўлдошев М.М. Мустақил Ўзбекистон Республикаси ёшларини тарбиялаш жараёнида хулқ одоб маданияти ва сиёсий маданиятни шакллантириш муаммолари: Фал. фан. номзоди диссертацияси. – Тошкент, 2005. – 119 б.





8. World Tourism Organization (UNWTO). Tourism Highlights: 2023 Edition. – URL: <https://www.unwto.org>
9. Kotler, P., Bowen, J., & Makens, J. Marketing for Hospitality and Tourism. – 7th ed. – Pearson Education, 2017. – 688 p.
10. Buhalis, D. eTourism: Information Technology for Strategic Tourism Management. – Pearson Education, 2003. – 352 p.

